

Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчиси Асқарова Шахноза Камолиддиновнанинг “Алпомиш” достони инглтзча таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари” мавзусида 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиширима тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясиға

## ТАҚРИЗ

Бугунги кунда жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, ўқувчилар қўлига етказиш, миллий адабиётимизни ҳар жиҳатдан бойитиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, миллий адабиётимизнинг асл дурдоналарини ҳам турли тилларга таржима қилиб, жаҳон ҳамжамияти эътиборига тақдим этиш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Ушбу жараёнларда юз бераётган ижобий ва салбий ҳолатларни, асл манба билан таржима матни ўртасидаги мутаносибликни, бадиият қонунларига риоя этилиши, лингвомадий қатламларнинг ўзаро уйғунлик касб этиши, таржимоннинг бадиий маҳорати масалалари бугунги кун таржимашунослик илмининг бош масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчиси Асқарова Шахноза Камолиддиновнанинг “Алпомиш” достони инглизча таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари” мавзусида филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси айни мана шу нуқтаи назардан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ҳар бири З бўлимдан иборат бўлган 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 235 бетни ташкил этади.

Мазкур тадқиқот ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг сара намуналаридан бири ҳисобланган “Алпомиш” достони инглизча таржимасининг ўзига хос лингвомаданий хусусиятларини чоғишириб, уларнинг илм-фан учун аҳамиятини аниқлаш, шунингдек, бу йўналишда таржимашунос ва таржимонлар олдида турган муаммоларни таҳлил этишга бағишлиланган бўлиб, унда достоннинг аслият матни ва инглизча таржимасининг яратилиш тарихи, уларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий адабиётлар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Шу билан бирга, ишда “Алпомиш” достонининг аслият матни бевосита инглизча таржимасида қўлланилган лексик бирликларнинг структур-семантик, фонетик, грамматик ва стилистик хусусиятларини лингвомаданий аспектда кўриб чиқилганлиги, ҳар икки матн асосида лексик бирликларга доир ономастик, зоонимик ва фитонимик гуруҳларнинг лингвомаданий

хусусиятлари ўрганилганлиги, аслият матнидаги вокал, консонант, семантик, грамматик, стилистик ҳамда эпик клише кўринишидаги такрорларнинг инглизча таржимада ифодаланиши жиҳатлари таҳлил этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Диссертациянинг **биринчи боби** “Алпомиш” достонини ўрганишнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, унда асарнинг яратилиши ҳамда ўрганилиш тарихи, аслият матни ва инглизча таржимасининг лингвомаданий тадқиқи масалалари ёритилган.

Диссертациянинг “Алпомиш” достонидаги лексик-семантик гурухларнинг лингвомаданий тадқиқи” деб номланган **иккинчи бобида** асадаги ономастик бирликларнинг таржимаси таҳлили, зоонимик лексемаларнинг таржимаси муаммолари, фитонимик лексемаларнинг таржима хусусиятлари ва уларнинг маданий талқини масалалари атрофлича таҳлил этилган.

“Алпомиш” достонининг инглизча таржимасидаги лексик бирликларнинг эквивалентлик даражалари” деб номланган **учинчи бобида** таржима жараёнида эквивалентли ва эквивалентсиз лексиканинг берилиши ҳамда грамматик муаммоларига илмий жиҳатдан ёндашишга ҳаракат қилинган.

“Алпомиш” достонидаги стилистик воситаларнинг таржимаси” деб номланган **тўртинчи бобда** стилистик воситаларнинг таржимада акс этиши, аслият матнидаги такрорлар ва уларнинг таржимадаги маъно-мазмун жиҳатдан талқини, такрорнинг функционал турлари ва уларнинг таржимадаги амалий аҳамияти каби муаммоларни очиб беришга ҳаракат қилинган.

Хуллас, қўлимиздаги диссертацияда таржимашунослик илмининг бир қатор муҳим муаммолари қўтарилиган бўлиб, ишнинг ижобий томонлари ҳақида яна қўп гапириш мумкин. Аммо, бугунги муҳокамамизнинг асосий мақсади – унга объектив баҳо берган ҳолда, диссертациянинг илмий савиясини янада оширишга қаратилган таклиф-мулоҳазаларни ишлаб чиқишидан иборат.

**Ҳар қандай жиддий илмий изланишда бўлгани каби, бу диссертацияда ҳам айрим мулоҳазабоп ўринларни кузатиш мумкин. Жумладан:**

1. Диссертациянинг 2-боби “Алпомиш” достонидаги лексик-семантик гурухларнинг лигвомаданий тадқиқи” деб кўрсатилган. Фикримизча, бу боб “Алпомиш” достони таржимасидаги лексик-

**семантик гурухларнинг лигвомаданий тадқиқи”** шаклида берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Диссертациянинг айниқса 2- ва 3-бобларида мавзу бўйича назарий фикрларга кўпроқ ўрин ажратилган бўлиб, таржима матни таҳлилига етарли эътибор қаратилмагандай. Ваҳоланки, ишнинг бош мақсади «Алпомиш» достони инглизча таржимасининг лингвомаданий хусусиятларини кўрсатиб бериш, таҳлил қилиш ва илмий-амалий хуносалар ишлаб чиқиш бўлган.

3. «Алпомиш» достонининг аслият ва таржима матнларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак: уларда ҳам бир қатор хатоликлар учрайди.

4. Ҳаволаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқиш керак. Сабаби, уларда ҳам бир қатор жиддий камчиликлар бор. Бу шаклда диссертация ОАКнинг техник экспертизасидан ўтмаслиги мумкин.

5. Фойдаланган адабиётлар рўйхатини ОАК талабларига мувофиқ-лаштириш керак. Бўлимлар ва уларда келтирилган адабиётлар умуман талабга жавоб бермайди.

6. Диссертация матнида ҳам орфографик хатоликлар мавжуд. Жумладан, 1, 2, 3, 5, 7, 9, 10, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 22, 23, 24, 25, 27, 28, 31, 33, 35, 36, 37, 39, 40, 41, 43, 45, 46, 47, 58, 63, 80, 86, 87, 88, 90, 97, 98, 105, 107, 108, 109, 110, 111, 114, 115, 123, 125, 127, 133, 145, 146, 148, 149, 152, 154, 155, 158, 164, 165, 167, 171, 172, 176, 177 бетлар (Ушбу хатоликларнинг ҳаммаси матнида кўрсатиб ўтилган).

7. Тадқиқот матнини ўрганиш жараёнида докторлик диссертацияси савиясига тўғри келмайдиган бир қатор услубий хатоликлар борлиги ҳам кузатилди. Масалан:

“Фитономик лексемаларни “Алпомиш” тилига таржима қилиш вазифаси ҳам ўсимликларнинг турли маданиятларда турли хил рамзий маънога эга бўлиши билан мураккаблашади. Мисол учун, бир маданиятда бир хил ўсимлик ҳаётийлик тушунчаси билан боғлиқ бўлиши мумкин, бошқасида эса – бутунлай тескари ҳолатлар билан” (*Дисс. 99-бети*).

“Бунда мақсадга мувофиқ таржимон контекстнинг маънавий мослаштириш ёрдамида амалга ошириши керак” (*Дисс. 137-бети*).

“Полисемия ва омонимия – манба тилидаги бир нечта маънога эга сўзлар муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, агар мақсад тилидаги муқобил сўз барча бир хил маъноларни қамраб олмаса” (*Дисс. 138-бети*).

“Маданий ўрнини босувчи сўзлар эквивалентсиз лексикани мақсадли маданиятдаги шунга ўхшаш таъсирни билдирувчи сўз билан алмаштиради” (*Дисс. 139-бети*).

“Маънони ҳақиқийликдан устун қўйиш. Манба матннинг нияти ва таъсирини етказишга эътибор қаратинг, сўзма-сўз таржималарга қатъий риоя қилишдан кўра” (*Дисс. 141-бети*).

“Изчиллик муҳим. Эквивалентсиз лексикаларни бошқаришда изчилликни таъминлаш таржима қилинган матннинг ўқилиши ва изчиллигини ошириши мумкин” (*Дисс. 141-бети*).

“Туркий тиллар сўзларнинг қиска ва ихчам шаклларидан фаол фойдаланади, бу эса ўзбек тилидан инглиз тилига таржималарни янада вазминли ва кўп сўзли қиласи” (*Дисс. 147-бети*).

“Инсон воситасида амалга ошириладиган таржима санъат даражасига кўтарилиган, таржимашунослик соҳасида бугунги қунда, албатта, сунъий интеллектнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга” (*Дисс. 149-бети*).

“Алпомиш” достони ва унга жанри, вокелиги ёки руҳияти мос асарлар, достонлар таржимасида грамматик муаммолар таржима жараёнининг энг қийин қисмларидан бирини ташкил қиласи” (*Дисс. 149-бети*).

“Юқорида келтирилган мисоллар нафақат аслиятда балки таржимада ҳам мисраларнинг эшитилишини ёқимли етказиб бериш билан бирга, кишининг хотирасида қолиши учун ҳам муҳим ҳисобланади” (*Дисс. 172-бети*).

“Хулоса шуки, мисрадаги сўзлар таркибида қанчалик ўзаро оҳангдош товушлар унумдор бўлса, шу қадар яхши” (*Дисс. 173-бети*).

“Яққол намоён бўлмоқдаки, мураккаб консонант такрорнинг жуфт тури мисрадаги сўзлараро оҳангдошликни таъминлашга хизмат қиласи” (*Дисс. 176-бети*).

“Фольклор асарлардаги анъанага мувофиқ, тўғридан тўғри мақсадга ўтилмай, аввалига адресант томонидан адресатнинг шаънига чиройли иборалар, тасвиrlар, ўхшатишлару сифатлашлардан фойдаланилади. Бу эса маъно ва маълумотни мустаҳкамлаб, эшитувчи(ўкувчи)га матннаги ғояларнинг моҳиятини англашга, баъзан ҳолларда (асосан, достон то қоғозга туширилгунча) бахшиларга ёдда саклаб қолишига қулайлик яратади” (*Дисс. 192-бети*).

Дастлаб, бугунги мұхокама декабрь ойининг учинчи ўн қунлигіда бўлиши белгиланган эди. Аммо, январь ойига қолдирилгани сабабли ушбу тақриз бироз аввал тайёрланиб, тадқиқотчининг сўровига биноан у кишига берилган эди. Диссертант жорий йилнинг 4 январь куни бизга ишнинг қайта ишланган вариантини тақдим этди. Уни яна бир бор кўриб чиқиши жараёнида тақризда билдирган фикрларимизнинг аксрияти инобатга олиниб, тузатишлар киритилганига гувоҳи бўлдик ва натижада қўйидаги хуносага келинди:

Тақризда кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг асосий қисми диссертант томонидан дастлабки мұхокамага қадар бартараф этилганлигини инобатга олиб, Асқарова Шахноза Камолиддиновнанинг “Алпомиш” достони инглизча таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари” мавзуусидаги диссертациясини, бугунги мұхокамада бошқа устозлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олиш шарти билан, Ихтисослашган кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилиш учун тавсия этиш мумкин.

Тошкент давлат шарқшунослик  
университети Таржимашунослик,  
тилшунослик ва халқаро  
журналистика олий мактаби доценти,  
филология фанлари доктори (DSc)

Р.Х.Шарипов